



132

## ҚАРОР - ҚАРОР

2003 йил "18" декабр

№ 781-К

Тумандаги «Дустлик» ширкат хужалигини ижара муносабатига утказиш ва ширкат хужалиги балансидан чиқарилаётган фермер хужаликлари ижара шартномаларини қайта руйхатдан утказиш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли «Кишлоқ хужалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ва Самарқанд вилоят ҳокимининг 2003 йил 12 ноябрдаги 263-К рақамли қарорларига асосан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини кишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) ва фермер хужаликларига узок муддатли ижарага бериш масалаларини куриб чиқувчи комиссиясининг 2003 йил 17 декабрдаги 4 сонли берилган хулосасини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги «Дустлик» ширкат хужалиги ижара ҳуқуқига утиши муносабати билан ушбу ширкат хужаликни фойдаланиб келаётган (1 иловадаги ер турлари) ер участкасини узок муддатли ижара шартномаси берилсин ва ижара шартномасининг муддати 30 (уттиз) йил килиб белгилансин.

2. «Дустлик» ширкат хужалиги балансидан чиқарилаётган 11-та фермер хужаликлари (руйхати ва ер-кадастр ҳужжатлари илова килинди) ер участкасини 30 (уттиз) йил муддатга ижара шартномаси туман ҳокимлиги билан қайта руйхатдан утқазилсин.

Бунда: туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкасини узок муддатли ижарага бериш комиссиясининг 2003 йил 17 декабрдаги 4-сонли хулосаси инобатга олинсин ва (иловада руйхати келтирилган) фермер хужаликларининг фойдаланиб келаётган ер майдонлари (йул, ариқ, зовур, ихота дарахтзорлар ва бошқа ерлар) қушилган ҳолда ижара шартномасини қайта руйхатдан утқазиш туман ер ресурслари хизмати бошлиги С. Рузиевга топширилсин.

3. «Дустлик» ширкат хужалиги бошқаруви раиси ва фермер хужаликлари раислари урталаридаги тузилган ерларни ижарага бериш тугрисидаги шартномалари бекор қилинсин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиги (Б. Бахронов) ва туман статистика бўлими бошлиги (Ж. Уроков)-ларга юқорида қайд этилган ижара шартномаларини белгиланган тартибда қайта руйхатдан утқазиш топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Э. Хошимовга юқлатилсин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев